**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида**
**УДК: 330.3:338(575.1)**

**МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

**ОДИЛОВ ЖАҲОНГИР ШУХРАТ ЎҒЛИ**

# МАМЛАКАТНИНГ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

**(ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази маълумотлари асосида)**

5А230102 – “Иқтисодиёт (реал сектор)” мутахассислиги бўйича

**Магистр**
**академик даражасини олиш учун ёзилган**

# ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:**

**проф. Сирожиддинов Н.**

**ТОШКЕНТ - 2018**

Ушбу магистрлик диссертациясининг янгилиги, Ўзбекистонда инвестицион муносабатларни тартибга солиш ва тахлил қилишда хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш орқали мамлакатимизга инвестицияларни жалб қилиш ва инвестицион фаолиятни янада ривожлантириш бўйича таклиф этилаётган назарий ва амалий тавсияларнинг асосланганлиги хисобланади ва улар куйидагиларда намоён бўлади: янги давлат инвестиция сиёсати стратегияларини жорий этиш хамда ишончли инвестицион мухитни кучайтириш, мамлакатимизнинг инвестицион жозибадорлиги оширишга қаратилган иқтисодий дастурлар ишлаб чикиш, мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ислох қилиш ва янада ривожлантириш, шунингдек, мамлакатимизга чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш бўйича синовдан ўтган хориж тажрибасини жорий этиш масалаларини хал этиш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чикилган.

The novelty of the master's thesis is the validity of the proposed theoretical and practical recommendations for the attraction of investments and further development of investment activities in our country through the effective use of foreign experience in the regulation and analysis of investment relations in Uzbekistan, as follows: introduction of new public investment strategies strengthening of a reliable investment climate, enhancing investment attractiveness of our country programs aimed at economic development, reform and further development of the securities market in the country to attract foreign investment in the country, as well as a proven international experience in the issues of the conclusions and proposals.

Магистрлик диссертация иши "Саноат иктисодиёти" кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. 15 - сонли баённома «19» май 2018 й.

Илмий раҳбар: и.ф.д., профессор. Н. Сирожиддинов ____________

Магистр: Ж.Одилов ____________

**"Ҳимояга рухсат этилади"**

"Саноат иқтисодиёти" кафедраси

мудири доц. И.Хотамов ____________

"15" "05" 2018 йил

Ҳимоя Тошкент Давлат иктисодиёт университетида

2018 йил "20" июнь соат "14^00" да бўлади.

# М У Н Д А Р И Ж А


| | | |
|---|---|---|
| | **КИРИШ**.......................................................................................... | 3 |
| **I БОБ.** | **Мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таьминлашда инвестициялардан самарали фойдаланишнинг назарий асослари**........................................................................................ | 9 |
| 1.1. | Инвестиция тушунчаси, унинг мохияти, турлари ва давлат инвестиция сиёсати.......................................................................... | 9 |
| 1.2. | Иқтисодий ўсишни таминлашда давлат инвестиция сиёсатининг институционал асослари.......................................................................... | 18 |
| 1.3. | Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда инвестициялардан фойдаланишнинг хориж тажрибаси................................................. | 26 |
| | Биринчи боб бўйича хулоса............................................................. | 32 |
| **II БОБ.** | **Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда инвестициялардан самарали фойдаланиш амалиёти таҳлили** (“Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий тадқиқот маркази” маьлумотлари асосида)...... | 34 |
| 2.1. | Ўзбекистонда инвестицион фаолият ва унинг амалдаги ҳолати таҳлили.......................................................................................... | 34 |
| 2.2. | Хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш ва жалб этишнинг жорий ҳолати таҳлили................................................... | 49 |
| 2.3. | Ўзбекистон инвестиция бозорида қимматли қоғозлар бозорининг ўрни ва ривожланиш тенденциялари............................................. | 55 |
| | Иккинчи боб бўйича хулоса............................................................ | 65 |
| **III БОБ.** | ***Мамлакатни барқарор иқтисодий ўсишини таьминлашда* инвестициялардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш йўналишлари**........................................................... | 66 |
| 3.1. | Ўзбекистонда инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш ва инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш муаммолари...... | 66 |
| 3.2. | Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсишини таьминлашда инвестициялардан самарали фойдаланиш ва инвестицион фаолиятнинг ривожланиш истиқболлари........................................ | 72 |
| | Учинчи боб бўйича хулоса.............................................................. | 81 |
| | **Хулоса ва таклифлар**.......................................................... | 83 |
| | **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати** .......................................... | 87 |

# КИРИШ

**Диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён қулай инвестиция муҳитини яратиш иқтисодий сиёсатнинг марказий масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг диққат марказида турган энг муҳим устувор вазифалардан бири – миллий иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш саналади.[1] Жумладан, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим. Бизда инвестиция дастурларини шакллантиришда пухта режалаштирилган, узоқ муддатга мўлжалланган ягона концепция йўқ.

Ҳар бир давлат ташрифида биз хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича бир неча миллиард долларлик келишувларга эришмоқдамиз. Аммо бу келишувларни амалга ошириш жуда сусткашлик билан бормоқда. Негаки, бу борада аниқ ишлайдиган тизим мавжуд эмас.”[2]

Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицион фаолият иқтисодиётинг муҳим аосларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони. 3.2 банди \\ lex.uz

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи, 23 декабрь 2017 йил.